

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020. Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

МАРАСУЛОВА ЗУЛАЙХО АБДУЛЛАЕВНА

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМДА «ИНФОРМАТИКА ВА АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ» ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ УЗВИЙЛИГИ
ҲАМДА УЗЛУКСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МЕТОДИКАСИ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (Информатика)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2022

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD)**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of
Philosophy (PhD)**

Марасулова Зулайхо Абдуллаевна

Умумий ўрта таълимда “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитишнинг узвийлиги ҳамда узлуксизлигини таъминлаш методикаси.... 3

Марасулова Зулайхо Абдуллаевна

Методика обеспечения непрерывности и преемственности в преподавании “Информатики и информационных технологий” в общем среднем образовании 25

Marasulova Zulaykho Abdullaevna

Methodology of providing consistency and continuity of teaching the subject "Informatics and information technologies" in public education 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 51

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020. Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

МАРАСУЛОВА ЗУЛАЙҲО АБДУЛЛАЕВНА

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМДА “ИНФОРМАТИКА ВА АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ” ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ УЗВИЙЛИГИ
ҲАМДА УЗЛУКСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МЕТОДИКАСИ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (Информатика)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Ped2424 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Кўкон давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (рус, ўзбек, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.namdu.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Эшназарова Марғубахон Юнусалиевна
педагогика фанлари номзоди, доцент

Расмий ошпонентлар:

Рахматуллаев Музаффар Муҳаммаджанович
физика-математика фанлари доктори, (DSc) доцент

Тоштемиров Дониёр Эшбаевич
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «15» февраль соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160107, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (+99869) 227-85-01; факс: (+99869) 227-85-02; e-mail: info@namdu.uz.)

Диссертация билан Наманган давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (695 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (99869) 227-29-81).

Диссертация автореферати 2022 йил «3» февраль куни тарқатилди.
(2022 йил «3» февралдаги 13-рақамли реестр баённомаси).



Т.Файзуллаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

Ш.К.Хўжамбердиева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, педагогика фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

К.М.Боймирзаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, география
фанлари доктори (DSc), доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда фан ва техниканинг тараққиёти сезиларли даражада ўсиб, ривожланиб бориши ҳамда унинг ютуқларини кенг қўламда қўлланилиши таълим жараёнини узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаган ҳолда қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Бу борада Жанубий Кореянинг Инчхон шаҳрида бўлиб ўтган бутун жаҳон таълим муаммолари Форумида ривожланган давлатлар томонидан қабул қилинган 2030 йилгача бўлган давр янги таълим концепциясида “таълим–тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ва барқарор ривожланиш мақсадларига етакловчи муҳим фаолият” эканлиги эътироф этилган¹. Ривожланган мамлакатларда таълим тизимини ахборотлаштириш, ахборот коммуникация технологиялари воситаларини кенг жорий этиш, таълим жараёнида узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш амалий аҳамиятга эга бўлмоқда.

Дунёнинг ривожланган мамлакатлари умумий ўрта таълим мактаблари таълим жараёнида қўлланиладиган ўқитишнинг усул, восита ва шакллариини такомиллаштириш орқали таълим жараёнида узвийлиги- узлуксизлигини таъминлаш, амалий фаолиятда қўллаш ҳамда таҳлил этиш шартлари амалга оширилиб келинмоқда. Узлуксизлик тушунчаси маълум даражада мураккаб тизимлар таркибидаги элементларнинг бирлиги, ўзаро боғланиши, бир-бирини тақозо қилишни билдириб, муайян объектнинг нисбий барқарорлиги ва бўлинмаслигига асосланди. Ҳар қандай предмет ёки жараён тузилиши ва унинг бирлиги турли ҳодисаларнинг ривожланиш жараёни учун хосдир. Бунда узвийлик муайян тизимнинг янги сифатга ўтишини билдирса, узлуксизлик унинг нисбий турғунлигини, маълум меъёр доирасида, таълим жараёнининг изчиллигини ҳамда ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожланишида самарали эканлигини кўрсатмоқда.

Мамлакатимизнинг умумий ўрта таълим мактаблари ривожлантириш ислохотларининг туб мақсади замирида билимли, ҳозирги замон талабида фикрлаш имкониятига эга бўлган, ватанпарварлик руҳида тарбияланган шахсларни вояга етказиш кўзда тутилган. Бинобарин, фан-техника ҳамда ижтимоий муносабатларнинг шиддатли ривожланиши, таълим мазмунига янгича талабларнинг қўйилиши таълимда узвийликни таъминлашни тақозо этадики, натижада таълим мазмуни ва самарадорлигининг сифати таъминланади, таълимнинг такомиллашган шакл, метод, усул ва воситаларини яратиш учун пойдевор қўйилади. Бир таълим туридан иккинчи таълим турига ўтиш жараёнида узвийлик ва узлуксизлигини таъминлаш ўқувчилар онги ва тафаккури, билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш жараёни, уларнинг ижтимоий мослашишида ўзаро муносабатнинг таъминланиши долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон, “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹Incheon Declaration Education 2030:Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all. / <http://uis.unesco.org/sites/default/files/>

Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4884-сон “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги ВМ-187-сон “Умумий ўрта ва ўрта махсус таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим тизимида “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитишни такомиллаштиришга бағишланган кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган бўлиб ўқитишнинг илмий методик муаммолари А.А.Абдуқодиров, М.М.Арипов, У.Ш.Бегимкулов, С.С.Ғуломов, Н.И.Тайлаков, М.Н.Лутфуллаев томонидан, таълимга ахборот технологияларини жорий этиш муаммолари Ф.М.Закирова, М.Файзиева, Т.Калекеевалар томонидан ўрганилган. Республикамизда информатика фанини узвий ўқитишга бағишланган илмий-тадқиқот ишлари А.А.Абдуқодиров, М.М.Арипов, У.Ю.Юлдашев, Н.И.Тайлаковлар томонидан олиб борилган. Умумий ўрта ва олий таълимда математика фани узвийлигини таъминлаш, Б.С.Абдуллаева, Н.Р.Ғайбуллаев, А.А.Саломовлар томонидан тадқиқот ишлари олиб борилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида умумтаълим фанларида фанлараро узвийлик муаммосининг турли жиҳатлари А.А.Кузнецов, А.П.Ершов, В.А.Каймин, М.П.Лапчик, Н.И.Пак, Е.Н.Бидайбеков каби бир қатор педагог-олимлар томонидан ўрганилган. Шунингдек, мактабгача ва бошланғич таълим орасидаги ҳамда мактаб ўқув-тарбия жараёнида таъминланадиган узвийликни В.В.Давыдов, Л.В.Кузнецова, С.М.Годник, А.А.Кыверялг, П.И.Самойленко, А.М.Пышкалолар, шунингдек, умумдидактик ва психологик жиҳатдан фанларни ўқитишда узвийликнинг аҳамиятини Ш.И.Ганелин, М.Н.Скаткин,

В.В.Краевский, И.Я.Лернер, Н.Ф.Талызина, Л.С.Рубинштейн, Б.Т.Лихачев, Г.Е.Журавлёвлар ўрганганлар.

Хорижий мамлакатларда W.F.Newman, R.F.Sproll, A.W.Pearson, J.Watson ва бошқаларнинг ўрта, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида янги ахборот технологияларидан, шу жумладан, компьютер техникасидан фойдаланиш, информатика курсида янги педагогик технологияларни ўқув жараёнига киритиш бўйича тадқиқот ишларини олиб боришган, шунингдек мавзуларнинг узвийлиги ва узлуксизлиги таъминланишига эътибор қаратилган қирраларини асослаб берганлар.

Юқоридаги таҳлиллар натижасидан, бугунги кунда фанлар узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш масаласи муҳим аҳамият касб этиб, “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитишнинг узвийлигини ҳамда узлуксизлигини таъминлаш бўйича илмий-тадқиқот олиб боришни тақозо этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот институт ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Кўқон давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Узлуксиз таълим тизимида математика ва информатика фанларини ўқитишни такомиллаштириш” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади умумтаълим мактабларининг 5–9-синфларида “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитишда мавзулараро узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

умумий ўрта таълим мактабларининг 5–9-синфларида “Информатика ва ахборот технологиялари” фани узвийлигининг таъминланганлик даражасини илмий жиҳатдан ўрганиш ва таҳлил этиш;

умумий ўрта таълим мактабларида “Информатика ва ахборот технологиялари” фани узвийлигини таъминлаш тизими ва методикасини ишлаб чиқиш ҳамда уларни педагогик жиҳатдан асослаш;

“Информатика ва ахборот технологиялари” фани узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлашнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва такомиллаштириш;

“Информатика ва ахборот технологиялари” фани узвийлигини таъминлаш тизими ва методикасини такомиллаштириш асосида педагогик экспериментни ташкил қилиш ва илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида умумий ўрта таълимда “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитишнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш жараёнлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини умумий ўрта таълим мактабларида “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитишнинг мазмуни, шакл, усул ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда қўйилган мақсадга эришиш ва вазифаларни ҳал қилиш учун илмий-назарий, педагогик-психологик, мантикий, илмий-методик манбаларни ўрганиш ва қиёсий таҳлил қилиш, социометрик (анкета, сўровлар, суҳбат); бевосита ва билвосита педагогик кузатув; педагогик тажриба-синов; натижаларни математик статистик қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш каби назарий усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитишнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш босқичлари курснинг мазмунли-структур компонентларини кетма-кетликда ўрганишнинг чизикли чизмаси ахборотларни тасаввур қилиш, алгоритмлаштириш ва дастурлаштириш, моделлаштириш ва формаллаштириш, инфорацион технологияларни қўллаш каби методик имкониятларни кенгайтириш орқали аниқлаштирилган;

ўқувчиларнинг “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўзлаштириш жараёни узвийлигини таъминлашнинг методик тузилмаси ноанъанавий дарсларни ташкил этишнинг мантикий элементлари (тушунча, ҳукм, тасдиқ, хулоса) билан адекватлик даражаси продуктивлигини ҳисобга олиш орқали аниқлаштирилган;

информатик таълимнинг дидактик моделини амалий компоненти компьютернинг ўқитиш технологияси асосида интеграллашган дарсларни лойиҳалашнинг виртуал борлиқ билан интернал интеграциясини таъминлаш орқали такомиллаштирилган;

ўқувчиларда рақамли компетенцияларни шакллантиришга доир интерфаол дастурий воситалар мажмуи информатика таълимида индивидуал ва жамоавий ҳамкорликдаги ижодий фаолиятни ташкил этиш босқичларининг (кооперация, коллаборация, рефлексия) конструктивлигини таъминлаш орқали такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

умумтаълим мактабларида “Информатика ва ахборот технологиялари” фани узлуксизлигини таъминлашнинг услубий жиҳатларини такомиллаш-тиришга хизмат қиладиган ўқув-услубий таъминот яратилди.

“Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан узвийлашган дастур асосида узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш методикаси ишлаб чиқилди ва бундан амалда фойдаланилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги фойдаланилган назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, қўлланилган усуллар, муаммога фалсафий, педагогик-психологик ёндашувлар ҳамда республика ва халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўпламлари, олий аттестация комиссияси эътироф этган махсус ва хорижий журналларда чоп қилинган мақолалар, келтирилган таҳлиллар ва тажриба синов ишлари самарадорлигининг математик статистика методлари воситасида

асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти умумий ўрта таълим мактабларида “Информатика ва ахборот технологиялари” фани узвийлигини таъминлашнинг педагогик асослари ишлаб чиқилганлиги, “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан узвийлашган дастурнинг яратилганлиги, умумий ўрта таълимда узвийликни таъминловчи дарс ишланмалари, замонавий ахборот ва педагогик технологияларга асосланган дарс лойиҳалари ва методик тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан ишлаб чиқилган узвийлашган дастур, методик материаллар ҳамда дастурий воситалардан умумий ўрта таълимда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. “Информатика ва ахборот технологиялари” фанининг узлуксизлиги ва узвийлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитишнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш босқичларини курснинг мазмунли-структур компонентларини кетма-кетликда ўрганишнинг чизиқли чизмаси методик имкониятларини кенгайтириш орқали аниқлаштиришга доир таклифлардан “Умумий ўрта таълим сифатини ошириш дастури” доирасида амалга оширилган 2019 йил 10 декабрда тасдиқланган 591-сон “Умумий ўрта таълимнинг миллий ўқув дастури”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим марказининг 2021 йил 8 октябрдаги 01/11-02/02-1449-сон маълумотномаси). Натижада, умумий ўрта таълим мактабларида “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитишнинг узвийлигини таъминлаш тизимини такомиллаштиришга хизмат қилган;

ўқувчиларнинг “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўзлаштириш жараёни узвийлигини таъминлашнинг методик тузилмаси ноанъанавий дарсларни ташкил этишнинг мантиқ элементлари билан адекватлик даражаси продуктивлигини ҳисобга олиш орқали аниқлаштириш, информатик таълимнинг дидактик моделини амалий компонентини компьютинг ўқитиш технологияси асосида интеграллашган дарсларни лойиҳалашнинг виртуал борлиқ билан интернал интеграциясини таъминлаш орқали такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан умумий ўрта таълим мактабларининг 6-, 7-, 10-, 11-синфлари учун дарслик ва ўқитувчи методик қўлланмаларини яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим марказининг 2021 йил 8 октябрдаги 01/11-02/02-1449-сон маълумотномаси). Натижада, “Информатика ва ахборот технологиялари” фани узлуксизлигини таъминлашнинг методик жиҳатларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

Ўқувчиларда рақамли компетенцияларни шакллантиришга доир интерфаол дастурий воситалар мажмуини информатика таълимида индивидуал ва жамоавий ҳамкорликдаги ижодий фаолиятни ташкил этиш босқичларининг конструктивлигини таъминлаш орқали такомиллаштиришга доир амалий таклифларидан 2015-2017 йилларда бажарилган ПЗ-2014-0905173317 рақамли “Умумий ўрта таълим мактабларида ахборот коммуникацион муҳитни яратиш ва амалиётга татбиқ қилиш” мавзусидаги амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 11 июндаги 89-03-2002-сонли маълумотномаси). Натижада, умумий ўрта таълим мактабларида “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитишнинг узвийлашган ўқув дастурини яратишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 3 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та нашр иши, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 8 та республика ва 2 та хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, уч боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 145 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “Кириш” қисмида муаммонинг долзарблиги асосланади, тадқиқотнинг мақсад, вазифа ва фаразлари, предмети, методологик асоси, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти баён қилинади.

Диссертациянинг биринчи боби “Умумий ўрта таълимда “информатика ва ахборот технологиялари” фани узвийлигини таъминлашнинг назарий асослари” деб номланиб, унда таълим тизимида узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш педагогик муаммо сифатида қаралган, умумий ўрта таълимда “Информатика ва ахборот технологиялари” фани узлуксизлигининг таъминланганлик ҳолати таҳлил этилган, фан таълимида узвийлик ва узлуксизликнинг таъминланишини такомиллаштириш мезонлари ишлаб чиқилган.

Таълим мазмуини шаклланиши ўқув дастурлари, янги авлод дарсликларининг яратилиши таълим босқичлари орасидаги узвийлик муаммосига янгича ёндашувни талаб қилди. Шу маънода охириги йилларда педагогика фани олдида турган муҳим вазифалардан бири таълим турлари ва босқичларининг узвийлигини таъминлашни илмий асослашдан иборатдир.


Узвийлик, ўз навбатида, маълум кетма-кетлик асосида таълим-тарбия жараёни ташкил этилишини ифодаловчи муҳим сифатдир, у муайян босқичда

аввалги босқич ўқув фаолияти мазмунини ташкил этувчи билим, кўникма ва малакаларнинг мустаҳкамланиши, кенгайтирилиши ва чуқурлаштирилишини ифодалайди. Мазкур жараён, педагогик-психологик, фалсафий жиҳатларга эга бўлиб, хусусан, фалсафий томондан «узвийлик» категорияси мазмуни «ривожланиш» категорияси билан чамбарчас боғлиқдир. Узвийлик ривожланаётган барча ҳодиса, жараёнларга тегишли бўлган умумий ва муҳим бўлган алоқаларни ифодалайди ҳамда янги тушунчаларда аввалги билимнинг мавжудлигини аниқлайди.

Ривожланиш нуқтаи назарига кўра, узвийлик янги сифатни ҳосил қилиш мақсадида бир даражадан иккинчи даражага ўтиш ҳисобланади. Узвийлик олдинги босқичлардаги натижаларнинг ўсишини назарда тутади. Маълумки, эски билим билан янги билим орасидаги узвий алоқалар диалектиканинг инкор этиш қонунидир. Унга кўра, «эски»ни бутунлай инкор этмасдан, унинг муҳим қисмлари қамраб олинади, шунингдек, уни қўллаш соҳалари аниқланади. Таълимда эса узвийлик икки хил тавсифда намоён бўлади. Биринчидан, таълим турлари ўртасидаги узвийлик бўлиб, бунда таълимнинг охириги тури мазмуни аввалгисини қисман такрорлаб, мазмун жиҳатидан узвий боғлиқ ҳолда охириги таълим турларида давом этади. Иккинчиси, ўқув фанлари орасидаги узвийлик. Бу, одатда, фанлараро ёки предметлараро боғланиш орқали юзага чиқади.

Узвийлик тушунчаси орқали узлуксиз таълим тизимининг ҳар бир турида ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар характерланади.

Узвийлик ўқув материалининг муайян кетма-кетликда, тизимли жойлаштирилиши, билимларни ўзлаштиришда мавжуд билимларга таяниш, ўқув материалининг маълум даражада навбатдаги босқичларда қўлланилиши, ўқув-тарбия жараёни босқичларининг давомийлигини англатади.



1-расм. Мавзулараро узвийликни таъминловчи хусусиятлар

“Информатика ва ахборот технологиялари” таълимида узвийликка эришишда бўйича таклифлар келтирилган (1-жадвал).

Компютеринг ўқитиш технологияси асосида бошқа умумтаълим фанлар билан интеграциялаш бўйича таклифлар.

1-жадвал.

Боблар тартиби	Боблар	Фойдаланиш тавсия этилаётган фанлар
I	Информатика ҳақида тушунча	Тарих, математика.
II	Ахборотларни рақамлар воситасида тасвирлаш	Математика, тарих
III	Компьютерлар	Барча умумтаълим фанлари
IV	Операцион система	Физика
V	Хужжатларни қайта ишлаш технологиялари	Ўзбек тили ва адабиёти, барча умумтаълим фанлари
VI	Компьютер графикаси	Расм, чизмачилик, геометрия
VII	Ахборотлар омбори	Асосан ўзбек тили ва адабиёти, тарих, биология, барча умумтаълим фанлари
VIII	Электрон жадваллар	Иқтисодий билим асослари, Математика, физика
IX	Компьютерда масалалар ечиш технологиялари. Модел ва алгоритм.	Алгебра, физика, геометрия
X	Дастурлаш асослари	Алгебра, физика, геометрия, кимё
XI	Амалий дастурлаш ва ҳисоб тажрибаларини ўтказиш	Алгебра, физика, геометрия, кимё, барча умумтаълим фанлари
XII	Замонавий ахборот технологияларининг ривожланиш истиқболлари	Барча умумтаълим фанларида, жумладан, Интернет халқаро глобал тармоғи мисолида

Шунингдек, диссертацияда 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактабларининг 8-синфида “Информатика ва ахборот технологиялари” фанининг мавзулари ва муаллиф томонидан таклиф этилган узвийлашган мавзулар соатлар кесимида келтирилган (2-жадвал).

8-синф “Информатика ва ахборот технологиялари” (хафтасига 1 соатдан, жами 34 соат)

2-жадвал.

Дарслар тартиби	Мавзу номи	Таклиф этилаётган вариант	Соат
1-чорак			
1-дарс	SMM (Social media marketing – ижтимоий медиа маркетинг) ҳақида	SMM (Social media marketing – ижтимоий медиа маркетинг) ҳақида	1
2-дарс	SMM платформалари билан танишиш. Facebook тармоғи	SMM платформалари билан танишиш. Телеграм тармоғи	1
3-дарс	SMM платформалари билан танишиш. YouTube сайти	SMM платформалари билан танишиш. Facebook тармоғи	1
4-дарс	SMM платформалари билан танишиш. Телеграм тармоғи	SMM платформалари билан танишиш. Инстаграм тармоғи	1
5-дарс	SMM платформалари билан танишиш. Инстаграм тармоғи	SMM платформалари билан танишиш. YouTube сайти	1
6-дарс	SMMни интернет тизимида ҳаракатлантириш	SMMни интернет тизимида ҳаракатлантириш	1

7-дарс	Назорат ва лойиҳа иши. Мақсадга йўналтирилган тадқиқот лойиҳаси режасини тузиш	Назорат ва лойиҳа иши. Мақсадга йўналтирилган тадқиқот лойиҳаси режасини тузиш	1
8-дарс	SMM асосида тадқиқот лойиҳаларини бошқариш. YouTube сайтида канал очиш	SMM асосида тадқиқот лойиҳаларини бошқариш. Facebook тармоғида саҳифа очиш	1
9-дарс	SMM асосида тадқиқот лойиҳаларини бошқариш. Facebook тармоғида саҳифа очиш	SMM асосида тадқиқот лойиҳаларини бошқариш. YouTube сайтида канал очиш	1

5–9-синфларда қуйидаги мезонларни инобатга олиш муҳимдир:

- “Информатика ва ахборот технологиялари” фани бўйича ўқув дастурини ДТС талабига асосланиб шакллантириш;
- фан бўйича ўқув дастуридаги мавзулар кетма-кетлигини илмий-педагогик жиҳатдан асослаш;
- ўқув дастурида узвий кетма-кетликнинг сақланиши;
- “Информатика ва ахборот технологиялари” фани бўйича амалдаги ўқув дастури замонавий ахборот технологиялар асосида узвий такомиллашади;
- ўзлаштирилган билимни шахсий фаолиятда, тўғри қарорлар қабул қилишда қўллаш олиши.

Ўқувчи шахс фаолияти ва қобилиятини таълим жараёнида ривожлантириш, энг аввало, ўша фан ва уни ўқитишда асосий тамойилларини инобатга олган ҳолда ташкил этилмоғи лозим.

Диссертация ишининг иккинчи боби **“Информатика ва ахборот технологиялари” фани узвийлиги ҳамда узлуксизлигини таъминлаш методикаси**” деб номланиб унда “Информатика ва ахборот технологиялари” фани таълимида узвийлик ва узлуксизликни таъминлашнинг методик хусусиятлари очиб берилган.

Узлуксиз таълимнинг ҳар бир тури, босқичи учун бошқа таълим шакллари билан узвийлик ва узлуксизлик тамойили билан боғланиш зарур бўлиб, олдингисидан охиригисига ўтишда таълим жараёни самарали бўлиши ўқитувчи ва ўқувчидан алоҳида тайёргарликларни талаб этади. Айни шу муаммолар умумий ўрта таълим мактаблари синфлар ўртасидаги таълим жараёни ва мазмунини ташкил этишдаги узвийлик ва узлуксизлик масаласини ҳал этишда кўзга ташланади.

“Информатика ва ахборот технологиялари” фани асослари турли босқичларда фаолият юритаётган таълим муассасаларининг таълим мазмунига мос равишда ўқувчиларнинг психологик ва педагогик хусусиятларига мувофиқ муайян курслар доирасида ўргатилади. Таълим турлари орасида ўзаро алоқадорлик, боғлиқлик ва изчилликни ўрнатиш фанлар, боблар, мавзулар, ўқув материаллари орасида узвийликни таъминлаш асосида амалга оширилади. Бинобарин, “Информатика ва ахборот технологиялари” фани асосларини ёритувчи курслар ўртасида узвийликни таъминлаш, ўқув материалларини турли босқич таълим муассасалари ўқувчиларининг ёш хусусиятларига мос ҳолда танлаш, уларнинг муайян мантиқий кетма-кетлик, фанлараро узвийлик ҳамда изчиллик асосида жойлаштириш, ўқув жараёнида узвийлик тамойилининг етакчи ўрин

тутишига эришиш ва бу ҳолатни педагогик жиҳатдан асослаш муаммосини юзага келтиради.

Мазкур муаммо умумий ўрта таълим муассасаларида ўқитиладиган “Информатика ва ахборот технологиялари” фани бўйича ишлаб чиқилган Давлат таълим стандартларида етарлича ечимини топмаган.

Тажриба-синов ишларининг натижалари “Информатика ва ахборот технологиялари” фани бўйича умумий ўрта таълим мактаблари учун мўлжалланган амалдаги таянч ўқув дастурлари ва ўқув қўлланмаларида:

– ўқув материалларининг ўқувчилар ёш хусусиятларига мос келмаслиги;

– мавзулар кетма-кетлиги, яъни улар ўртасидаги узвийликнинг таъминланмаганлиги;

– назарий ва амалий ахборот технологиялари бўйича билимлар билан умумтаълим фанлар асослари ўртасидаги узвийликнинг мавжуд эмаслиги;

– таълим йўналишлари бўйича инвариант дастурларнинг яратилмаганлиги;

– мавзуларнинг мажмуавий ва тизимли равишда ўрганилмаслиги, амалий машғулотлар учун етарли вақт ажратилмаганлиги ва бошқа шу каби камчиликлар мавжудлигини кўрсатди.

Ушбу камчиликларни инобатга олиш, республика ва ривожланган хорижий давлатлар таълим тизимларида “Информатика ва ахборот технологиялари” курсини самарали ўқитиш бўйича илғор тажрибаларни таҳлил қилиш асосида умумий ўрта таълим муассасаларида ўқитиладиган “Информатика ва ахборот технологиялари” фанида мавзулараро, боблараро, фанлараро, назария ва амалиёт узвийлигини таъминлаш моделини ва ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш, уларни педагогик нуқтаи назардан асослаш зарур деб топилди.


Умумий ўрта таълимни компьютерлаштириш илмий-техник ва иқтисодий ривожланишнинг асосий муҳим омили ҳисобланади. Бунда ўқитишнинг янги педагогик технологияларни ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш билим олишнинг янги шакллари: янги ўқув фанларини, фанлараро компьютер курсларини, билим шаклланиш жараёнини, кўникмани, ўқувчилар фаолиятини ва ўқитишни ташкилий йўналишларини, билим олиш сифатини баҳолашнинг янги усулларини юзага келтиради. Принципиал ва долзарблиги жиҳатдан янги ўқув технологиялардан фойдаланиш ва ўқувчини ривожланишига асосланган ўқув-тарбиявий жараённи ташкил этиш муаммоси аҳамиятга эгадир.

Информатика таълимида синфлараро узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир босқичда ўқув дастури таркиби узвийлик ва узлуксизлик сараланган ҳолда оддийдан мураккабга қараб тизимлаша бориб, юқори даражадаги таълим сари интилиб боради. Биринчи босқич, яъни бошланғич информатика таълими (5–6-синф)нинг мақсади ўқувчиларда алгоритмик фикрлаш асосларини шакллантириш, компьютерлардан фойдаланиш кўникмаларини ҳосил қилиш ҳамда ахборот маданияти асосларини қабул қилишга ўқувчиларни психологик тайёрлашдан иборат.

Иккинчи босқич, яъни информатика базавий таълимини ўқувчиларда ахборот технологиялардан фойдаланиш кўникмаларини ҳосил қилиш, уларда алгоритмик фикрлаш ва ахборот маданиятини шакллантиришдан иборат. Учинчи босқич, яъни касбий тайёрлашга бўлган информатика таълимининг мақсади ўқувчиларда дастурлаш асослари бўйича малакасини ҳосил қилиш ва замонавий дастурий воситалар ҳамда дастурлаш усулларида фойдаланиш малакаларини шакллантиришдан иборат.

“Информатика ва ахборот технологиялари” фани тушунчаларини ўқитишда кўргазмалилик алоҳида аҳамият касб этади, бинобарин, ҳеч бир фанда информатика каби кўргазмалилик имкониятлари мавжуд эмас. Фанни ўқитилишининг асосий мазмун-моҳияти ва негизи ҳисобланган компьютер техникасининг ўзини ҳам кўргазмали восита сифатида қараш мумкин.

Таълим жараёни узвийлигига эришишда қуйидаги принципларга алоҳида эътибор берилади:




2-расм. Таълим жараёни узвийлигини таъминлаш принциплари

5–9-синфлар информатика фани таълимида узвийлик ва узлуксизлик масаласини таъминлашда қуйидагича ёндашув мақсадга мувофиқдир: ўқувчи шахсини замонавий ахборот технологиялари билан қуроллантиришдаги асосий услубий восита дарсликда келтирилган мавзулар таркибидаги матн, расм, чизма, схема ва жадвалларнинг узвийлигини таъминлаш орқали; ўқувчи шахсининг ёши психологик хусусиятларининг инobatга олиниши; дарслик мавзулари баёнида ўқувчилар доираси, уларнинг таҳсил олиш шароитлари ва қобилиятларининг эътиборга олиниши; дарслик мазмунининг ўқув дастурига мослиги; дарслик мазмунини ёритувчи билимларнинг ўқувчиларни фаолликка ундаш даражаси; амалий машқлар ва назорат саволларининг сифат даражаси (миқдор жиҳатдан); дарс матнининг ўқувчиларга тушунарлилик даражаси; матннинг мантиқан тўғри тузилиши; мавзуга оид материалларнинг сон ва миқдор жиҳатдан таъминланганлиги; ҳар бир дарс мазмунида ортиқча материалларнинг мавжуд бўлмаслиги; дарслик мазмунининг бошқа фанлар билан уйғунлашуви; ўзлаштирилган назарий билимларнинг амалиёт билан боғлиқлиги ва ҳ.к. назарда тутилади.

Бизнинг фикримизча, 5–9-синф “Информатика ва ахборот технологиялари” фани узвийлиги ва узлуксизлигининг методик таъминотини такомиллаштиришда қуйидаги кетма-кетликка асосланиш лозим:

фан узвийлиги ва узлуксизлигини таъминловчи ўқитишнинг методик таъминотини яратишнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаштириш ҳамда ўқитишнинг мазмунини белгилаш;

фан узвийлиги ва узлуксизлигини таъминловчи ўқитишни таклиф этилаётган дастурини шакллантириш, ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.



3-расм. "Информатика ва ахборот технологиялари" фани узвийлиги ҳамда узлуксизлигини таъминлашнинг педагогик модели

Диссертациянинг учинчи бобида “**Педагогик эксперимент ва унинг натижалари**” келтирилган. Дастлаб педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш методлари ёритилган.

Диссертацияда педагогик тажриба ўтказиш даврида биз умумий ўрта таълим мактабаларининг 5–9-синфлари учун мўлжалланган “Информатика ва ахборот технологиялари” дарсликларининг назарий таҳлили ўтказилиб, улардан фойдаланиб ўқитувчи-педагогларнинг дарс ўтиши, бу жараёнда республиканинг турли туманларидаги мутахассис-ўқитувчилар фаолиятини ўрганиш, дарсликларда узвийлик ва узлуксизликнинг таъминлаганлик даражаси ҳақида ўқитувчилар фикрини анкета ёрдамида ўргандик.

Умумтаълим мактабларининг 8-, 9-синфлари учун “Информатика ва ахборот технологиялари” фани бўйича узвийлашган дастурнинг самарадорлик даражасини математик-статистика усули билан аниқлаш хусусида тўхталиб ўтамиз.

Тажриба-синов ишлари таъкидланганидек, Тошкент шаҳри Олмазор туманидаги 134-, 219-, 233-мактаблар, Фарғона вилояти Қўқон шаҳридаги 11-, 29-, 32-мактаблар, Фарғона вилояти Бувайда туманидаги 22-мактаб, Боғдод туманидаги 40-мактаб ва Фурқат туманидаги 40-мактаблар ва Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги 15-мактаб, Қашқадарё вилояти Косон туманидаги 48-, 80-мактаблар ўқувчиларида “Информатика ва ахборот технологиялари” курсини ўқитишда узвийлашган дастурни асос сифатида қабул қилиш самарали эканлигини аниқлаш мақсадида олиб борилди. Тажриба-синовда қатнашган 8-синф ўқувчилари сони ва уларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари келтирилди (3-жадвалга қаранг):

Тажриба-синовда қатнашган 8-синф ўқувчилари сони ва уларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари

3-жадвал

№	Чорак	Тажриба ва назорат синфлари ўқувчиларининг олган баҳолари							
		Тажриба синфи				Назорат синфи			
		Ўқувчиларнинг умумий сони	5 (аъло)	4 (яхши)	3 (қониқарли)	Ўқувчиларнинг умумий сони	5 (аъло)	4 (яхши)	3 (қониқарли)
Тошкент шаҳар 134-, 219- ва 233- умумтаълим мактаблари									
1	I	99	36	42	21	99	24	32	43
2	II	99	36	43	20	99	21	36	42
3	III	99	37	40	22	99	25	30	44
4	IV	99	35	39	25	99	22	34	43
Ўргача		99	36	41	22	99	23	33	43
Фарғона вилоятидаги 11-, 16-, 29-, 32- ва 40-умумтаълим мактаблари									
1	I	160	63	63	34	162	49	58	55
2	II	160	65	59	36	162	52	53	57
3	III	160	62	60	38	162	50	59	53
4	IV	160	66	62	32	162	53	54	55
Ўргача		160	64	61	35	162	51	56	55

Қашқадарё вилоятидаги 15-, 48- ва 80-умумий ўрта таълим мактаблари									
1	I	83	39	22	22	79	21	27	31
2	II	83	42	20	21	79	22	26	31
3	III	83	38	23	22	79	23	24	32
4	IV	83	41	19	23	79	22	23	34
Ўртача		83	40	21	22	79	22	25	32
Умумий		342	140	123	79	340	96	114	130

Назорат ва тажриба-синовларда қатнашган 9-синф ўқувчиларининг тажриба якунидаги умумий кўрсаткичлари қуйидагича (4-жадвалга қаранг).

Тажриба-синовда қатнашган 9-синф ўқувчилари сони ва уларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари

4-жадвал

№	Чорак	Тажриба ва назорат синфлари ўқувчиларининг олган баҳолари							
		Тажриба синфи				Назорат синфи			
		Ўқувчиларнинг умумий сони	5 (аъло)	4 (яхши)	3 (қониқарли)	Ўқувчиларнинг умумий сони	5 (аъло)	4 (яхши)	3 (қониқарли)
Тошкент шаҳар 134-, 219- ва 233- умумтаълим мактаблари									
1	I	94	35	47	12	92	29	37	26
2	II	94	37	44	13	92	28	39	25
3	III	94	38	45	11	92	29	36	27
4	IV	94	36	47	11	92	30	34	28
Ўртача		94	37	46	11	92	29	37	26
Фарғона вилоятидаги 11-, 16-, 29-, 32- ва 40-умумтаълим мактаблари									
1	I	156	62	74	20	159	50	70	39
2	II	156	61	73	22	159	49	72	38
3	III	156	62	73	21	159	50	72	37
4	IV	156	60	77	19	159	51	71	37
Ўртача		156	61	75	20	159	50	71	38
Қашқадарё вилоятидаги 15-, 48- ва 80-умумий ўрта таълим мактаблари									
1	I	86	41	32	13	81	22	35	24
2	II	86	40	33	13	81	24	33	24
3	III	86	39	36	11	81	23	37	21
4	IV	86	41	34	11	81	23	35	23
Ўртача		86	40	34	12	81	23	35	23
Умумий		336	138	127	71	332	92	122	118


Назорат ва тажриба-синов синфларининг тажриба якунидаги умумий кўрсаткичлари қуйидагича (5-жадвалга қаранг)

Умумий ўрта таълимда “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитишнинг узвийлигини ҳамда узлуксизлигини таъминлаш бўйича тажриба ва назорат синфлардаги маълумотларнинг солиштирма жадвали

5-жадвал.

Синфлар	Ўқувчилар сони	Ўзлаштириш даражалари		
		Аъло	Яхши	Қониқарли
Тажриба синфи (8-синф)	342	140	123	79
Назорат синфи (8-синф)	340	96	114	130
Тажриба синфи (9-синф)	336	138	127	71
Назорат синфи (9-синф)	332	92	122	118
Умумий ўртачалар				
Тажриба синфлари	339	139	125	75
Назорат синфлари	336	94	118	125

Тажриба-синов натижалари таҳлиliga кўра, тадқиқот жараёнига жалб этилган тажриба синфи ўқувчилари тадқиқот жараёнига жалб этилган назорат синфи ўқувчиларига нисбатан билим, кўникма ва малакалар самаралироқ эканлиги аниқланди. Бу ҳолатни объектив баҳолаш учун статистик таҳлил амалга оширилади, аниқланган хулосаларгина тажриба-синов ишларининг илмий, педагогик, технологик ва методик жиҳатдан тўғри самарали олиб борилганини тасдиқлайди. Тажриба-синов натижаларини статистик таҳлил қилиш учун Стьюдент ва Пирсон методлари танланди. Мазкур метод икки синфда қайд этилган кўрсаткичларни аниқлаш ва объектив баҳолаш имконига эга. Юқоридаги жадвал маълумотларини таққослаш мақсадида қуйидаги диаграммани ҳосил қиламиз.



4-расм. Умумий ўрта таълимда “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитишнинг узвийлигини ҳамда узлуксизлигини таъминлаш даражасининг диаграммаси.

Диаграммдан кўриниб турибдики, тажриба синфидаги юқори ва ўрта кўрсаткичлар назорат синфи кўрсаткичларидан юқори экан. Чизилган диаграммаларнинг ҳар бири статистик жадвал нормал тақсимотга эга бўлган бош тўпламлардан олинганлиги ҳақидаги фараз-гипотезани олдинга суриш мумкин эканлигини кўрсатади. Энди 7-жадвал маълумотларини математик статистик таҳлил қиламиз.

Тажриба синфининг баҳолаш кўрсаткичлари ва ўқувчилар сонини мос равишда X_i, n_i лар ва шу каби назорат синфининг баҳолаш кўрсаткичлари ва ўқувчилар сонини мос равишда Y_j, m_j лар орқали белгилаб, статистик синфланган вариацион қаторлар тузилади. Шунингдек, юқори кўрсаткични 5 балл билан, ўрта кўрсаткични эса 4 балл билан ва паст кўрсаткични 3 балл билан белгилаймиз.

Тажриба-синов ишларидан назорат синфидаги ўқувчилар сони $n=339$, тажриба синфидаги ўқувчилар сони $m=336$ бўлиб, биз бу сонларни X_i ва Y_i вариантларга мос статистик танланмалар ҳажмлари деб қараймиз. Демак, 3.1-жадвалдан қуйидаги икки вариацион қаторларни тузиб оламиз ($n = n_1 + n_2 + n_3$ ва $m = m_1 + m_2 + m_3$):

Тажриба синфидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари:

$$(1) \begin{cases} X_i & 5 & 4 & 3 \\ n_i & 139 & 125 & 75 \end{cases} \quad n = \sum_{i=1}^3 n_i = 339$$

Назорат синфидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари:

$$(2) \begin{cases} Y_i & 5 & 4 & 3 \\ m_i & 94 & 118 & 124 \end{cases} \quad m = \sum_{i=1}^3 m_i = 336$$

Статистик таҳлил ўтказишни қулайлаштириш мақсадида юқоридаги вариацион қаторлардан n_i ва m_j такрорийлик (частота)ларни мос статистик эҳтимоллик формулалари $p_i = \frac{n_i}{n}$ ва $q_j = \frac{m_j}{m}$ (1) асосида ҳисоблаймиз.

